

ДАВЛАТ УЛУШИ БОР КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Низамова Зухра Арибжановна
Банк-молия академияси тингловчиси
“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ
Тел: 93-574-92-91

Бугунги кунда Давлат улуши бор корхоналар (кейинги ўринларда – корхона)ни келгуси фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш, уларни соғлом рақобат муҳити жараёнида молиявий барқарор корхона сифатида ўзини кўрсата олиши иқтисодиётнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида қаралмоқда. Шунингдек, корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш, тубдан ислоҳ қилиш, нафақат халқимизга балки жаҳон ҳамжамиятига талабига жавоб берадиган ўзларининг сифатли маҳсулот ва хизматларини чет эллик ҳамкорларимизга тақдим этиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш асосий вазифалардан биридир. Сўнгги йилларда мамлакатимизни янги босқичга кўтариш бўйича барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда, шу жумладан мамлакат иқтисодиёт соҳасига айниқса тадбиркорлик фаолияти ҳамда рақобатбардошлиқни ошириш, айниқса чет эл инвестицияларини жалб қилиш, тизимни молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу тадқиқот доирасида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги, самарали бошқарув тизими, корхона операцион фаолияти ҳамда барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ва барқорорликни таъминлаш ечимлари хусусида сўз юритилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ривожланишида самарадор, молиявий барқарор корхоналарнинг эгаллаган ўрни беқиёс. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта ги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон [1] ҳамда 2023 йил 24 марта ги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарори [2] тасдиқланган. Унга мувофиқ, сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тутатиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар. Молиявий барқарорлик, молиявий барқарорликка таъсир этувчи эндоген ва экзоген омиллар, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, молия тизими.

Мамлакатимизда янги иқтисодий ўзгаришлар юз берадиган бир даврда миллий корхоналаримизни самарали бошқариш тизимини ташкил этиш корхонанинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ҳамда даромадлилигини, инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Аввало барқарорлик тўғрисида сўз юритилса бу - ташқи омиллар таъсирида тизимнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш қобилияти ҳисобланади. Макроиктисодиётда барқарорлик ресурслардан фойдаланиш ва инсон ривожланиши ўртасидаги узоқ муддатли мувозанатни англатади. Шунингдек, барқарорлик - ўзгариш ёки тебранишларга мойил эмаслиги билан фарқланади.

Молиявий барқарорлик нафақат инқирозларнинг йўқлиги билан балки, қуйидаги талабларга жавоб берса барқарор деб ҳисобланиши мумкин.

- макон ва замонда иқтисодий ресурсларнинг самарали тақсимланишини шунингдек, (маблағларни тежаш ва инвестиция қилиш, кредитлаш ва қарз олиш, ликвидликни шакллантириш ва тақсимлаш, активлар нархини шаклланиши ва пировардида бойлик жамғариш ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши кабилар) бошқа молиявий ва иқтисодий жараёнларни осонлаштиришга хизмат қилса;
- молиявий хавф (риск)ларни баҳолаш ва бошқариш имконини берса;
- ҳатто ташқи зарбалар ёки ортиб бораётган номутаносиблик шароитида муҳим вазифаларни амалга ошириш қобилиятини сақлаб қолса.

Шунингдек, “Молиявий барқарорликни таъминлаш” китоби муаллифи Гарри Дж.Шиназининг фикрига кўра, молия тизими - бир-бирига узвий боғлиқ бўлган инфратузилма (хуқуқий, тўлов, ҳисоб-китоб ва ҳисоб тизими), муассасалар (банклар, фирмалар, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи муассасалар, институтционал инвесторлар) ва бозорлар (биржа, пул ва ҳосилавий молиявий воситалар бозори) элементларидан иборат эканлигини ва улардан бирининг бузилиши бутун бир тизимнинг барқарорлигига зарап етказиши мумкинлиги таъкидланган. [3]

Шундай қилиб, молиявий тизим барқарорлиги - тизимдаги турли бузилишлар, унинг иқтисодий фаолиятига зарап етказа олмаслиги билан белгиланади.

Молиявий барқарорлик – бу молиявий тизимнинг, яъни молия муассасалари, бозорлар ва бозор инфратузилмаларининг эҳтимолий шоклар ва номутаносибликларга бардош бера олиши, шу билан бирга молиявий воситачилик функцияларини бажара олмаслик эҳтимолини пасайтириш қобилиядидир. Доимий молиявий барқарорлик - бу маълум маблағлар ва

мувозанатли молиявий оқимларнинг мавжудлиги туфайли ташкилотнинг мавжудлиги ва узлуксиз ишлашини таъминлаш қобилияти сифатида тушунилади.

Корҳоналарнинг молиявий барқарорлигига омиллар таъсирини кўриб чиқсан. Улар эндоген ҳамда экзоген омиллардир.

Эндоген (ички) хавф(риск) – молия тизими ичидаги рўй берувчи юқорида санаб ўтилган тизим (молия муассасалари, инфратузилма ва молия бозори)да юзага келади. Бу ҳолат айнан бир молия тизимида рўй бериб, ушбу тизимнинг бошқа соҳаларига ҳам таъсир этиши ёки барча молия ташкилотларида бирданига юзага келиши мумкинлиги билан фарқланади.

Шунингдек, улар бозорлардаги хавф даражаси-контрагент томонидан мажбуриятларни бажармаслик, активлар нархининг номутаносиблиги, бозор иштирокчиларининг ёки молиявий инструментларнинг бозордан бирданига чиқиб кетиши ва бошқа омиллар билан изоҳланади.

Молия тизимида юзага келувчи муаммолар ўз навбатида инфратузилма (хисоб-китоб ва тўлов тизими) билан боғлиқ хавф(риск)ларни юзага келтириши мумкин.

Экзоген омил-реал иқтисодиётда юзага келган хавф(риск)лар билан ўлчанади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, эндоген ва экзоген омиллар бўйича қўйидагиларни келтириш мумкин:

Эндоген омил	Экзоген омил
<p>Молия муассасалари билан боғлиқлиги:</p> <p>Валюта, фоиз, кредит, тўлов қобилиятини пастлиги, операцион, ўз маблағларини етишмаслиги, ишларни бошқариш билан боғлиқ хавф(риск)лар;</p> <p>Бозор билан боғлиқлиги:</p> <p>Томонларни ўз мажбуриятларини бажармаслиги, нархлар номутаносиблиги, молиявий инструментларни бирданига чиқиб кетиши билан боғлиқ хавф(риск)лар;</p> <p>Инфратузилма билан боғлиқлиги:</p> <p>Ишончни йўқотиш, хисоб, тўлов, бошқарув, назорат, ҳуқуқ тизимидағи сусткашликлар.</p>	<p>Аввало ташқи омиллар таъсири:</p> <p>Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар, табиий оғатлар ва бошқалар.</p>

Демак, корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омилларга ташкилий, ишлаб чиқариш, кадрлар, бозор ва молиявий омилларни

киритиш мумкин. Мұхим ички омиллар сифатида корхонанинг молиявий ва инсон омили ресурсларини алоҳида таъқидлаш жоиз.

Тизимнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда кенг кўламдаги кўрсаткичлар таҳлили шу жумладан, пул ўтказмалари, РЕПО операциялари, акция ва облигация кўрсаткичлар таҳлили каби молиявий инструментлардан фойдаланиш аниқроқ маълумотларни олишга имкон яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида қуидагиларни келтириш жоиз:

- Маблағлар (капитал)нинг етарлилик даражаси;
- Активларнинг сифати;
- Тўловга қобилиятлилик;
- Молиявий қарамлик;
- Инвестицияларни қоплай олиш даражаси ва бошқалар.

Улардан бири сифатида ўз айланма капитали бўлиб, у жорий активлардан жорий мажбуриятларни чиқариш йўли билан ҳисобланади.

Барқарор хўжалик фаолияти учун мақбул бўлган молиявий барқарорлик коэффициенти 0,8 дан 0,9 гача бўлиб, бу норматив аҳамиятга эга. Коэффициентнинг 0,9 дан ошадиган қиймати компаниянинг молиявий мустақиллигидан далолат беради.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш мақсадида молиявий ҳолатни баҳолашнинг балл методикасидан фойдаланилади. Мазкур баҳолаш усули корхонани молиявий барқарорлик даражаси бўйича таснифлаш имконини беради. Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра, бир қатор молиявий коэффицентларни ҳисоблаш амалга оширилади.

Шу билан бирга, молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда захира капитали микдори, сугурта механизмларининг ишончлилиги, нархларнинг мутаносиблиги юзага келиши мумкин бўлган зарбаларни юмшатишга имкон яратади.

Юқоридагилардан амалга ошириш доирасида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг қуидаги усулларини санаб ўтиш мумкин:

- Давлат улушига эга корхоналарни босқичма-босқич хусусийлаштириш;
- Носоҳавий ҳамда самарасиз фаолият турларини қисқартириш;
- Корпоратив бошқарув тизимини назорат қилиш;
- Структурани оптималлаштириш;
- Кадрларни молиявий салоҳиятини ошириб бориш;
- Қатъий назоратни йўлга қўйиш;
- Молия тизими ва бошқа функцияларни тўғри ташкил этиш;
- Реклама ва маркетинг тизимини янада кенгроқ жорий этиш;

- Заҳиралар миқдорини асослантирилган ҳолда камайтириш ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

Ушбу усуллар амалга ошириш орқали қуйидаги имкониятлар юзага келади.

- Инвестиция салоҳиятини ошириш;
- Қарз ва бошқа молиявий маблағларни жалб қилинишида устунликка эришиш;

• Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш орқали корхона молиявий барқарорлигига таъсир этаётган салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

• Корхона барқарор фаолият юритишида ҳорижий корхоналар тажрибасини ўрганиш ва уларни миллий тизимдаги корхоналар фаолиятида қўллаш имконини ўрганиш;

• Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини сифатини ошириш, рақамлаштириш орқали қулай, тез, ишончли ва самарали тизимни жорий этиш.

Таклиф қилинган чора тадбирларни қўллаб кўрилганда эришиш мумкин бўлган иқтисодий самарани ҳисоблаш.

Шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, заҳираларни шакллантириш асосий манбаларини умумий қийматини белгилайдиган уч омилли моделга асосланади, уларнинг миқдори мутлақ кўрсаткичлар билан шаклланади: ўз айланма маблағлари, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикрлар ва олиб борилган тадқиқот асосида, айтиш мумкинки корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш мақсади алоҳида молия муассасасани эмас, балки мамалакат бутун молия тизими барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди. Молиявий барқарорлик иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш асоси ҳисобланади.

Бундан ташқари, корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш фаолиятдаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатини ва унинг тўлов қобилиятини яхшилаш учун қўшимча заҳираларни излаш имкониятини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартағи “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори.
3. Гарри Дж.Шинази Вопросы экономики №36 (2005 й.).